O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Shu aziz Vatan — barchamizniki

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2008-yil • 22-aprel • Seshanba • 52 (27.857) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

**Жорий йилнинг биринчи чорагида мақсадли комплекс дастурларни амалга ошириш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар натижасида қарийб 170 мингта янги иш ўринлари яратилди. Шу жумладан, хизматлар ва сервис соҳасида 67 мингтадан ортиқ, касаначиликни ташкил этиш ҳисобига 55 мингта иш ўринлари вужудга келтирилди.**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### ШАХСИЙ ЁРДАМЧИ, ДЕҲҚОН ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА ЧОРВА МОЛЛАР КЎПАЙТИРИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШНИ КУЧАЙТИРИШ ҲАМДА ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ КЕНГАЙТИРИШ БОРАСИДАГИ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни янада кўпайтириш, шу асосда қишлоқ аҳолисининг бандлиги ва даромадларини, гўшт-сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсишини ошириш ҳамда ички истеъмол бозорининг тўлдирилишини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси ҳамда бошқа манфаатдор тузилмалар билан биргаликда ишлаб чиқилган:

шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтириш ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича комплекс чора-тадбирлар 1-иловага мувофиқ;

2008-2010 йиллардаги даврда шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамоллар сони кўпайишининг мақсадли параметрлари 2-иловага мувофиқ;

2008-2010 йилларда суғориладиган ерларда ем-хашак экинлари майдонларининг ҳисоблаб чиқилган прогнози 3-иловага мувофиқ маъқуллансин.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва туманлар ҳокимлари зиммаларига мазкур қарор билан тасдиқланган тадбирларни ўз вақтида ва сифатли ижро этиш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

2. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, тижорат банкларининг 4-иловага мувофиқ шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига қорамол сотиб олиш учун микрокредитлар ажратишни кенгайтириш тўғрисидаги таклифига;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Республика «Ўзнаслчилик» корхонасининг ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, сервис пунктлари тармоқларини ташкил этиш йўли билан чорва молларни сунъий урчитиш бўйича ўз базасини яратиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

3. Белгилансинки, чорвачиликка ихтисослаштирилган фермер ва бошқа хўжаликларга, шунингдек, паррандачилик корхоналарига ажратилган суғорма ерлар фақатгина ем-хашак экинлари экиш учун мўлжалланган ва давлат эҳтиёжлари учун пахта ҳамда донли экинлар экишда фойдаланилмайди.

«Ўзқишлоқмашлизинг компанияси маҳаллий корхоналар — «Агрегат заводи» ОАЖ ва «Урганчеммаш» АЖ томонидан ишлаб чиқарилаётган ем-хашакни йиғиштириб оладиган техникани қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларига лизинг асосида берилишини ташкил этсин.

«Ўздонмаҳсулот» АК 5-иловадаги прогноз ҳажмларига мувофиқ фермер хўжаликлари ихтиёрида қолаётган, чорвачилик учун тўлақонли омухта ем ишлаб чиқаришнинг оширилишини таъминлайдиган омухта ем саноатини модернизация қилиш ва қўшимча дон ресурслари харид қилишни ташкил этишнинг аниқ чора-тадбирлари амалга оширилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Чигит етказиб бериш механизмини ҳамда ўсимлик ёғи ва ёғ-мой маҳсулотлари сотишни тартибга солиш тўғрисида» 2006 йил 31 майдаги ПҚ-360-сонли қарори 3 ва 4-бандлари, шунингдек, мазкур қарорнинг 2-иловаси ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2008 йилнинг ҳосилидан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, бунда чигитни қайта ишлашдан олинадиган шрот ва шелуха Ўзбекистон Республикаси товар-хомашё биржаси орқали тўла-тўкис ички бозор ҳамда экспортга сотилиши керак.

Ем, шу билан бирга шрот ва шелуханинг экспортга сотилиши эркин айирбошланадиган валютада амалга оширилади.

5. Вазирлар Маҳкамасининг Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари комплекси (Ш.М.Мирзиёев):

бир ой муддатда ем-хашак, жумладан, шрот ва шелуха сотишга ихтисослаштирилган пунктлар тармоғини инвентаризациядан ўтказсин, бунда уларнинг вилоятлар, туманлар ва аҳоли пунктлари бўйича оқилона жойлаштирилишини, ем-хашак истеъмолчилари — фермерлар, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари эгаларининг улардан кенг фойдаланиши таъминланишини назарда тутсин;

инвентаризация натижаларига кўра, вилоят ва туманлар доирасида ем-хашак, шу жумладан омухта ем, шрот ва шелуха сотиш бўйича ихтисослаштирилган ягона пунктлар тармоғини кенгайтириш ва оқилона жойлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқсин.

Мазкур ихтисослаштирилган ягона пунктлар негизида туман ва вилоят бирлашмалари ташкил этилсин. Ушбу бирлашмалар зиммасига Ўзбекистон Республика товар-хомашё биржаси очиқ биржа савдолари орқали ем-хашак, жумладан, омухта ем, шрот, шелуха ва бошқалар харид қилиниши, уларнинг етказиб берилиши ҳамда фермерлар ва аҳолига сотилиши юзасидан жавобгарлик юклансин.

(Давоми 2-бетда)



## «ЎЗКИМЁСАНОАТ»: ТАРМОҚЛАРАРО КООПЕРАЦИЯ РИВОЖИ

**Тошкентда ўз ишини бошлаган саноат ярмаркасида «Ўзкимёсаноат» ДАК таркибига кирувчи корхоналар ўзаро фойдали ҳамкорлик, тармоқ ичида ва тармоқлараро саноат кооперацияси бўйича ўз имконият ҳамда салоҳиятларини намойиш этмоқдалар.**

Тадбирнинг очилишида таъкидланганидек, мамлакатимизда кимё саноатининг янада ривожланиши, ишлаб чиқариш қувватларидан оқилона фойдаланиш, энергияни тежовчи ва экологик хавфсиз технологияларни жорий этиш, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини қопловчи рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг 2007 йил 27 июлда қабул қилинган **«2007-2011 йиллар мобайнида Кимё саноати корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида»**ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Ҳозирги кунда «Ўзкимёсаноат» ДАК корхоналарида турли минерал ўғитлар, сунъий тола, полимер материаллар, ноорганик моддалар, резина-техника маҳсулотлари, энергетика, олтин қазиб олиш тармоғи ва енгил саноат учун кимёвий реагентлар, ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш бўйича воситалар, дефолиантлар, қишлоқ хўжалигида қўлланиладиган плёнка — жами 250 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Уларнинг ўнлаб тури қатор мамлакатларга экспорт қилинмоқда.

2007 йили бўлиб ўтган биринчи Республика саноат ярмаркаси ва кооперация биржасида импорт ўрнини босувчи ва маҳаллийлаштирилган маҳсулотларни харид қилиш бўйича 44,3 миллиард сўмлик, маҳсулот етказиб бериш юзасидан 40,3 миллиард сўмлик шартномалар имзоланган эди.

Бу галги ярмарка ташкилотчилари унинг иштирокчиларига республика кимё корхоналари ҳақида имкон қадар кўпроқ маълумот беришга тайёргарлик кўришган. Масалан, биргина «Максам-Чирчиқ» ОАЖ эндиликда 30 дан ортиқ турдаги маҳсулот, асосан, турли хил минерал ўғитлар, кимёвий материаллар, елимлар ишлаб чиқармоқда.

Импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш буйича эса Қашқадарё вилоятидаги калийли ўғитлар ишлаб чиқарувчи Деҳқонобод заводи яққол мисолдир. Янги завод Туйбегатан калийли туз кони асосида қурилади ва юртимиз эҳтиёжларини қондирибгина қолмай, келгусида экспортга ҳам чиқарилади.

Ярмарка иштирокчилари тақдим этилган экспозиция ўзларида катта қизиқиш уйғотгани ва ўзаро фойдали ҳамкорликка тайёр эканликларини билдирмоқдалар.

***Суратларда:*** *ярмаркадан лавҳалар.*

**С.Ўрмонов (ЎзА) олган суратлар**





## Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 апрелда қабул қилинган «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-842-қарорига

# ШАРҲ

Ўзбекистонда шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларини аҳоли, айниқса қишлоқ аҳолиси бандлигининг ўсиши, унинг даромади ва умуман турмуш даражасини ошириш, ички бозорни ҳаётий муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари — гўшт, сут, мева-сабзавот, картошка ва бошқа маҳсулотлар билан барқарор тўлдиришнинг муҳим омили сифатида ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Бу масалада ушбу хўжаликларда қорамоллар сонини кўпайтиришни рағбатлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Қонунчиликда шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол парваришлаш билан банд шахслар иш билан банд аҳоли тоифасига киритилиши, уларга меҳнат дафтарчаси берилиши ва иш стажи ҳисобга олиниши, улар пенсия ёшига етганда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлиши белгиланган.

2006 йилнинг мартида қабул қилинган шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллари сонини кўпайтиришни рағбатлантириш дастурининг амалга оширилиши бугун ўзининг сезиларли натижаларини бермоқда.

Масалан, 2006 йилдан то ҳозиргача бўлган даврда республикада қорамоллар сони бир миллион бошдан кўпроққа ошди ва қарийб 7,4 миллионтани ташкил этади. Шунинг 6,9 миллиондан ортиғи шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари улушига тўғри келади.

Чорва молларини сотиб олиш учун тижорат банклари ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Бандликка кўмаклашиш жамғармаси томонидан кейинги икки йилда ва жорий йилнинг биринчи чорагида 108 мингта оилага 93 миллиард сўм имтиёзли кредит ажратилди.

Бу борада кам таъминланган оилаларни бепул сигир бериш йўли билан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2006 йилдан то ҳозирги пайтгача бундай оилаларга 91 минг бошдан ортиқ қорамол тарқатилди.

Чорвачилик соҳасига хизмат кўрсатадиган инфратузилма тармоқлари ҳам жадал ривожланмоқда. Мисол учун, 2006 йилдан буён республикада қўшимча равишда 417 та зооветеринария пунктлари ташкил этилди, бугунги кунда уларнинг сони қарийб 2,2 мингтага етди. Молларни сунъий урчитиш бўйича 429 та пункт очилиб, уларнинг сони тахминан мингтага етказилди. Асосан қишлоқ жойларда омухта ем, шрот ва шелуха сотиш бўйича 700 дан ортиқ ихтисослаштирилган пункт ишлаб турибди. Уларнинг сони бугун 1150 тадан ортди.

Аҳоли ва фермер хўжаликларида чорва моллар сонини кўпайтиришга доир чора-тадбирларнинг аввало, қишлоқ аҳолиси учун катта иқтисодий, айниқса ижтимоий аҳамиятини назарда тутган ҳолда, 2008 йил 21 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги ПҚ-842-қарори қабул қилинди.

Мазкур қарор, авваламбор, шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни янада кўпайтиришни рағбатлантиришга, шу асосда қишлоқ аҳолисининг бандлик даражаси ва даромадларини оширишга, гўшт-сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсишини ҳамда ички истеъмол бозорининг тўлдирилишини таъминлашга қаратилган.

Ушбу мақсадга эришиш учун шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун наслчилик ишини такомиллаштириш, омухта ем ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ветеринария хизматлари кўрсатишни яхшилаш ва бошқалар бўйича аниқ чора-тадбирларни кўзда тутувчи қулай шарт-шароитлар яратишга оид комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Наслчилик ишини тубдан яхшилаш соҳасида Республика «Ўзнаслчилик» корхонасининг ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, сервис пунктлари кенг тармоқларини ташкил этиш йўли билан чорва молларни сунъий урчитиш бўйича ўз базасини яратиш, урчитувчи техниклар ва ветеринар мутахассисларни тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш бўйича мунтазам курслар ташкил этиш кўзда тутилган.

Озуқа базасини янада мустаҳкамлаш, чорва молларни парваришлаш билан шуғулланадиган аҳоли ва фермерларнинг юқори маҳсулдор озуқа — омухта ем, шрот ва шелухадан кенг фойдаланишини таъминлаш — чорвачиликни барқарор ва жадал ривожлантириш борасида муҳим аҳамият касб этади.

(Давоми 2-бетда)

### Фракция фаолияти

**Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди.**

## ҚОНУНЛАР ЛОЙИҲАЛАРИ муҳокама этилди

Фракция иккинчи ўқишда киритилаётган «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқди. Ушбу масала бўйича Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Бахтиёр Ёқубов маъруза қилди.

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, жиноятчилик, терроризм ва диний экстремизмга қарши курашишнинг ҳуқуқий негизи такомиллашди. Ҳибсга олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга берилди. Ана шулардан келиб чиқиб ҳамда жиноятчиликка қарши кураш усуллари ва услубларига таъсир кўрсатадиган жиноий-процессуал қонунчиликка ўзгартишлар киритилиши муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари оператив-қидирув фаолиятининг қонунчилик асосларини мустаҳкамлаш зарурати юзага келди. Қонун лойиҳаси биринчи ўқиш жараёнида билдирилган фикрлар, тузатишларни ҳисобга олиб ҳамда қонунчилик техникаси юзасидан ишланди ва иккинчи ўқишда муҳокамага киритилмоқда.

«Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси учинчи ўқишда муҳокама этилди. Лойиҳа юзасидан Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси Илҳом Насриев маъруза қилди.

— Ушбу ҳужжат биринчи, иккинчи ўқишларда муҳокама қилинаётганда ХДП фракцияси томонидан билдирилган фикрлар инобатга олинди, — деди у. — Ҳужжат дастлабки ҳолатига нисбатан анча такомиллашди.

Йиғилиш кун тартибидан ўрин олган масалалар юзасидан фракциянинг нуқтаи назари ишлаб чиқилди.

**(Ўз мухбиримиз)**

## АФҒОНИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ТАШРИФИ

**Мамлакатимизга ташриф буюрган Афғонистон Ислом Республикаси энергетика ва сув ресурслари вазири Муҳаммад Исмоилхон раҳбарлигидаги делегация 21 апрель куни «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси раиси Ботир Тешабоев билан учрашди.**

Учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланиб бораётгани, сўнгги йилларда йўлсозлик, кўприксозлик каби йўналишлар қаторида энергетика соҳасидаги алоқалар ҳам фаоллашаётгани, бунда давлатларимиз раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Муҳаммад Исмоилхон Ўзбекистоннинг Афғонистондаги тикланиш ишларидаги фаол иштирокига юқори баҳо берар экан, Афғонистон халқи ўзаро ҳамкорликни юксак қадрлашини қайд этди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Афғонистон ўртасида энергетика соҳасида ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди, биргаликда янги лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имкониятлари кўриб чиқилди.

**(ЎзА)**

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

**☑ Суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар**

# ОҒИР ЖАЗО ТАРБИЯЛАМАЙДИ

**Ўзбекистонда ўлим жазосининг бекор қилингани дунёдаги ривожланган кўплаб мамлакатлар томонидан эътироф этилмоқда**

Қаттиқ жазо инсонни тарбияламаслиги илғор демократик мамлакатлар суд-ҳуқуқ тажрибасида исботланган ҳақиқат. Бу соҳадаги кўп йиллик кузатувлар мобайнида шу нарса маълум бўлдики, жиноятга қўл ураётган шахс аксарият ҳолларда жазо ҳақида ўйламайди ва табиийки, жазонинг қаттиқ ё юмшоқлиги ҳам унинг хаёлига келмайди. Узоқ йиллик муддатга озодликдан маҳрум этилган шахс жазони ўтаб бўлганда тавбасига таяниш ўрнига акс тасаввур билан озодликка чиқиши, юмшоқ жазо чораларини ўтаган инсон эса ўзига берилган имконият ва кўрсатилган бағрикенгликдан хулоса чиқариб, бир умр ноқонуний ишларга қўл урмаслиги мумкин. Албатта, бу, оғир жиноят содир этганларни ҳам юмшоқ жазолаш зарур, деган даъвони келтириб чиқармайди. Ҳамма гап — жиноятга жазонинг муқаррарлигида. Ҳар бир жиноий ҳаракат, у каттами-кичикми, жазосиз қолмаслиги керак. Қонунийлик, адолат тантана қилгандагина одамларда ҳокимиятга, жамиятга, қонунларга ҳурмат, ишонч туйғуси мустаҳкамланади ва бу жиноятчиликнинг олдини олишда асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Яқин ўтмишимизда Жиноят Кодексидаги жазоларнинг ниҳоятда қаттиқлиги Инсон шаъни ва қадр-қиммати жудаям «арзон» баҳоланганининг яққол намунаси эди. Ахир, 20 дан ортиқ турдаги жиноятларга ўлим жазосининг қўлланиши қандай даҳшатли фожиаларга олиб келгани тарихдан маълум. Ҳатто иқтисодий жиноятлар билан боғлиқ ҳолатларда ҳам ўлим жазоси қўллангани кечаги аччиқ ҳақиқат. Ёки харидор ҳақидан 10 тийин уриб қолган сотувчининг ҳам қамалганини бугун тасаввур қилиш қийин.

Кечаги ва бугунги кун ҳақида ўйласангиз, мустақиллик қадрини янада чуқурроқ англайсиз. Шахсан Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимининг тобора такомиллашиб, тобора инсонпарварлашиб, тобора демократлашиб бораётганини ўз кўзимиз билан кўриб, вужудимиз билан ҳис қилиб турибмиз. Бунда айниқса, 2001 йилда қабул қилинган Жиноий жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги Қонун тарихий аҳамият касб этади. Ушбу қонунга кўра, бир неча жиноят турларига жазо енгиллаштириш томон қайта тавсифланди, иқтисодий жиноят содир этганларга нисбатан зарарни қоплаган тақдирда озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тури қўлланиши белгилаб қўйилди ва Жиноят Кодексидаги 28 та модда бўйича Ярашув институти жорий этилди. Яъни, икки томон ярашган тақдирда ҳукм ўқилмайди, билиб-билмай содир этилган арзимаган қилмиш учун инсон бутун умр «судланган» деган тавқилаъанат таъқибида юрмайди.

Республикамизда шу йилнинг биринчи январидан бошлаб амал қилаётган Ўлим жазоси бекор қилиниши тўғрисидаги Қонунни энг аввало халқимиз қўллаб-қувватлади. Ўзбекистон Жиноят Кодексида шўро салтанати давридаги ўлим жазоси белгиланган 20 дан ортиқ модда ўрнига иккитаси қолган эди, энди у ҳам бекор қилиниб, узоқ муддатли қамоқ жазоси билан алмаштирилди.

Биламизки, ўлим жазоси ҳали қатор мамлакатларда сақланиб турибди. Уни бекор қилиш ё сақлаб қолиш тўғрисида жаҳон олимлари, ҳуқуқшунослари ўртасида бўлаётган баҳс-мунозараларда ўлим жазосининг бекор қилиниши оғир жиноятларнинг ошишига олиб келади, деган фикрлар ҳам айтилмоқда. Бундайлар, чамаси, инсонни қўрқувда, исканжада ушлаб туриш оғир жиноятлар содир этилишининг олдини олади, деган ақида таъсирида шундай хулосага келишмоқда. Аммо, оғир жазо бериш билан жиноятчиликнинг олдини олиш мумкин эмаслигини ҳаёт исботлаб келмоқда. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Ўзбекистонда ўлим жазосининг бекор қилиниши мамлакатимизда ҳуқуқий-демократик давлат, инсонпарвар, адолатли жамият қуриш йўлидан изчил ва қатъий борилаётганининг ёрқин исботидир.

**Аҳрор ҚОДИРОВ,**
**жиноят ишлари бўйича**
**Тошкент шаҳар судининг судьяси**



# ДАДИЛ ОДИМЛАР






***«Ўзгеобурғунефтгаз» акциядорлик компаниясига қарашли «Қашқадарё технологик транспорт» очиқ акциядорлик жамияти жамоаси Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Қашқадарё ва Сурхондарё вилояти ҳудудларидаги нефть-газ қидирув ва бурғулаш тизимларига хизмат кўрсатади.***

— Жамиятимизда олтита автосарой фаолият юритади, — дейди жамият бошқаруви раиси Шодмон Қодиров. — Бундан ташқари марказий таъмирлаш устахонаси, қурилиш бригадаси ҳамда махсус тезкор бригадамиз ҳам мавжуд. Биз юзга яқин бурғулаш минора (ускуна)ларга хизмат қиламиз. Ўтган йили кўзда тутилган 8 миллиард 400 миллион сўмлик ўрнига 11 миллиард 382 миллион сўмлик иш бажардик.

Бундай ютуқларга техникалардан унумли фойдаланиш, тартиб-интизомни мустаҳкамлаш, ишчи мутахассислар учун зарур шарт-шароитларни яратиш, уларни рағбатлантириш натижасида эришилди.

Ўтган йили жамият соғломлаштириш соҳасига 17 миллион сўм ажратди. Кам таъминланган оила аъзолари учун жамиятнинг соф фойдаси ҳисобидан санаторийларга 9 миллион сўмлик йўлланмалар бепул берилди.

***Суратларда:*** *ўз ишининг устаси Сағдулло Очилов; жамият касаба уюшмалари қўмитаси раиси Бекмурод Рўзиқулов ходимлар — Хайринисо Омонова, Мадина Расулова, Елена Фахруддинова ва Алёна Хан билан «Маънавият ва маърифат» хонасида.*

**Шомурод ШАРОПОВ (ЎзА)**
**олган суратлар.**

# ҲАМ ИШЧИ ЎРНИ, ҲАМ ХАРИДОРБОП МАҲСУЛОТ

Бухоро туманидаги Работиқози қишлоғида кичик корхоналар сони яна биттага кўпайди. Бу ерда сочиқ ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Иншоот турхал» масъулияти чекланган жамият фаолият кўрсата бошлади. Корхонада Хитойдан келтирилган замонавий дастгоҳлар ёрдамида йилига катта ва кичик ўлчамли 500 000 дона харидоргир сочиқлар ишлаб чиқарилаётир.

Эътиборли жиҳати — корхона иш бошлаши билан қишлоқдаги ёшларнинг 40 нафари муқим иш ўринлари билан таъминланди. Улар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар хорижга ҳам экспорт қилиниши назарда тутилган.

**(Ўз мухбиримиз).**

# Сайлов масаласи муҳокама этилди




БМТ Хавфсизлик Кенгаши душанба куни ёпиқ мажлис ўтказди, деб хабар беради РИА Новости. Унда Косово масаласи кўриб чиқилди. Кенгаш раҳбари Думисани Кумалонинг айтишича, БМТ Миссиясининг Косоводаги вакили ва БМТ бош котиби вакили Иоахим Рюкер минтақадаги вазият бўйича ҳисобот берди. Бундан ташқари, йиғилишда Сербия президенти Борис Тадич ва Косово бош вазири Хашим Тачи иштирок этган. 11 майда Косовода навбатдан ташқари бўлиб ўтадиган сайлов масаласи ҳам муҳокама этилди. БМТ бош котиби вакили Иоахим Рюкернинг фикрича, сайлов Хавфсизлик Кенгашининг 1244-резолюциясига зид келади. Шу билан бирга БМТ Миссиясининг Косоводаги вакили Александр Иванькonинг айтишича, Косовода Сербия ҳукуматининг парламент ва муниципал сайлов ўтказиш эҳтимоли бор.

# Собиқ епископ ғолиб бўлди



Якшанба куни бўлиб ўтган Парагвай президентлиги сайловида собиқ католик епископи Фернандо Луго ғолиб бўлди, деб хабар қилади AFP. Сўнгги натижаларга кўра, Луго 39,2 фоиз, унинг асосий рақиби «Колорадо» партияси вакили Бланка Овелар 32,6 фоиз овоз олди.

Луго 1947 йилдан буён Миллий республикачи «Колорадо» уюшмасига мансуб бўлмаган биринчи президентдир.

Эслатиб ўтамиз, Луго «Ўзгаришлар тарафдори бўлган ватанпарвар альянс»дан чиққан номзод. Янги президентни кучли ижтимоий муаммолар кутиб турибди: парагвайликларнинг 42 фоизи қашшоқ яшайди, ҳар учинчи фуқаро ишсиз. Қишлоқ хўжалигига қарашли ерларнинг 80 фоизи аҳолининг бор-йўғи 2 фоизига тегишли.

# Энг қиммат лойиҳа

Хитой мамлакат тарихида энг қиммат лойиҳа — тезюрар поезд учун темир йўл қурмоқчи, деб хабар беради «Синьцзин бао». Нашр хабарига кўра, Хитойнинг икки йирик сиёсий ва иқтисодий маркази — Шанхай ва Пекинни туташтирувчи тезюрар темир йўл поездлари соатига 350 км/тезлик билан ҳаракатланади. Янги лойиҳанинг амалга ошиши ўртадаги масофа вақтини 14 соатдан беш соатга қисқартиради. Йилига бу магистрал бўйича 80 миллион йўловчи ва 100 миллион тоннадан ортиқ юк ташиш назарда тутилаяпти. Қурилишга 31,6 миллиард доллар сарфланиши кутилмоқда. Узунлиги 1,318 километрдан иборат йўл беш йилдан кейин тайёр бўлади. Лойиҳанинг яна бир ўзига хослиги, йўлнинг 80,5 фоизи ерда эмас, кўприклар устидан ўтказилишидир.

XORIJDA

# УЗОҚ КУТИЛГАН БИТИМ

**Путиннинг Ливияга қилган ташрифидан сўнг ОАВ икки томоннинг нефть-газ, янги конларни ўзлаштириш, нефтьни қайта ишлаш бўйича завод, янги электростанция қуриш ҳақидаги битимлари тўғрисида тўхтовсиз гапирмоқда. Шунга қарамай, Россия ва Ливия раҳбарлари саккиз йил кутган учрашувнинг баъзи натижалари махфий тутилаётгани кўпчиликни қизиқтириб қўйди.**



Эслатиб ўтамиз, 2000 йил президентлар бир-бирига таклифнома юборганидан сўнг ҳам учрашув бўлмаган. Муносабатларни тиклашга Ливияга нисбатан қўлланилаётган иқтисодий санкциялар халақит бераётганди.

Шу ўринда «Газпром» ва Ливиянинг миллий нефть-газ компанияси ўзаро ҳамкорлик тўғрисида меморандумни имзолаганини ҳам таъкидлаш жоиз. Умуман икки томонлама жами 10 та келишув имзоланган. Аммо томонларнинг ҳарбий соҳадаги битимлари оммадан сир тутилмоқда.

Икки давлат ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш ва ҳамкорликни ривожлантириш ҳақидаги битим ҳам имзоланди. Бошқача қилиб айтганда, бу Москва томонидан Триполининг БМТ Хавфсизлик Кенгашида доимий бўлмаган аъзо сифатида тан олинишидир. Бундан беш йил бурун Ливиянинг халқаро ҳамжамият билан муносабати носоз бўлгани, унга нисбатан иқтисодий санкциялар қўлланилгани ҳисобга олинса, бу Ливия учун катта ютуқ. Аммо бугун Ливия бозорида манфаатлар кескин тўқнаш келаяпти ва Россия бу ерга биринчи бўлиб келган меҳмон эмас. Ундан олдин АҚШ ва Ливиянинг анъанавий ҳамкорлари — Франция ва Италия турибди. Аммо Путиннинг нефть ва газ компаниялари ўзаро ҳамкорлиги учун йўл очиб бергани, муносабатларни ривожлантиришда катта силжиш дейиш мумкин.

**Гулгун СУЛТОНОВА**
**тайёрлади**

**☑ 2008 йил — Ёшлар йили**

# ЁШ АВЛОДГА ҒАМХЎРЛИК — КЕЛАЖАККА МАСЪУЛЛИК

**— дейди Навоий вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи Баҳодир Собиров.**

— Жисмонан бақувват, Ватан ҳис-туйғуси билан яшаётган ва мукаммал касб-ҳунар эгаллашга интилаётган бугунги ёш авлод — бахтли авлоддир, — дейди суҳбатдошимиз. — Президентимиз ҳам қайси йиғин ё бирор анжуманда бўлмасин, ёшларимиз таълим-тарбияси, уларнинг дунёқараши, кундалик амалий машғулотлари, жамиятда тутган ўрни борасида бот-бот таъкидлайдилар. Уларга бўлган эътибор ва юксак ишонч намунаси сифатида 2008 йил — Ёшлар йили, деб номланди. Хўш, бу ҳозирги кунда нималарда акс этмоқда?

**Биринчи навбатда,** у хоҳ умумтаълим мактаби, хоҳ касб-ҳунар коллежи ёки академик лицей бўлсин, замон талабига мос ривожланган мамлакатлардаги каби илғор ўқув услубиётига эгалигидир. **Иккинчидан,** бугун ҳар қандай касб-ҳунар коллежи етарли даражада маҳорат ва малака олиш, тажриба тўплаш даргоҳига айланмоқда.

**Учинчидан,** олий таълим даражасида бакалавр, магистр, ўрта махсус таълим ва мактабгача тарбия муассасалари тўла шаклланди.

«Бола бошидан», деган ибора бор. Ҳар ишга қодир, мустақил фикр, эркин дунёқарашга эга ёшлар тарбияси аввало оиладан бошланади. Бу эса наинки, ота-она, балки сизу бизга, кенг жамоатчиликка ҳам бевосита боғлиқ. Халқимиз «ҳунарли фарзанд десанг, ҳунарли устоз танла» деган ҳикматни бежиз айтмаган.

Бироқ, замон талаби даражасидаги ёш авлод тарбиясида биргина мактабнинг ёхуд касб-ҳунар коллежининг ўзигина кифоя эмас. Бу ерда маҳалла-кўй, қолаверса, ўша фарзанд тетапоя бўлаётган атроф-муҳитнинг ҳам ўрни бор. Мен бу ўринда шу соҳанинг бир вакили сифатида нафақат шаҳар, балки қишлоқлар турмуш тарзини, улардаги маданий-маърифий марказларни, қўйингки, қишлоқ болалар спортини ҳам назарда тутаяпман.

Вилоятдаги 40 дан зиёд касб-ҳунар коллежларининг асосий қисми ҳудудий жиҳатдан шу ерга хос эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда ташкил этилган. Уларнинг зарур ўқув қуроллари билан жиҳозланиши, спорт заллари, ахборот ресурс марказларидаги шароит — ҳаммаси бизнинг диққат-эътиборимизда.

Вилоятда жами 60 та касб-ҳунар коллежлари ҳамда 4 та махсус ихтисосликларга эга академик лицейлар қурилиши кўзда тутилган. Коллежларда 54000, лицейларда 2880 нафар ўқувчи таълим-тарбия олиши кўзда тутилган. Президентимиз Хоразм ва Сурхондарё вилоятларида бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессияларда коллежлар қурилишидаги сусткашликлар билан бирга, уларда таълим олган ёшларнинг аксарияти ишсиз қолаётганини кескин танқид қилди. Бу каби салбий ҳолатларни Навоийда ҳам кузатиш мумкин.

Айни кезда вилоятимизда 40 дан зиёд коллеж ва академик лицейлар фаолият кўрсатаётган бўлса, жорий йилда улар сафига яна 8 таси қўшилади. Бу дегани, қарийб 40 минг нафарга яқин ўқувчи ўрта махсус касб-ҳунар масканларига қамраб олинади. Агар ушбу таълим муассасаларини жиҳозлаш учун давлат бюджетидан қарийб 6,5 миллиард сўм маблағ сарфланган бўлса, чет эл кредити ҳисобидан 5 миллиард сўмга тенг ўқув жиҳозлари олинган. Булар асосан Корея, Япония, Польша давлатлари ҳамда Осиё Тараққиёт банкидан тушган кредитлардир.

Ёшлар йилида қарийб 4 минг нафар ўқувчига мўлжалланган 8 та коллеж ва 700 нафар олисдан қатнаб ўқийдиган ўқувчилар учун 3 та ётоқхона қуриб ишга туширилиши режалаштирилган. Бунинг учун ҳозирдан ўнлаб қурувчи-пудратчи ташкилотлар, фирмалар масъул қилиб биркитилди. Бошқарма ҳузурида алоҳида комиссия туздик. Комиссия вилоят капитал қурилиш инжиниринг компанияси билан ҳамкорликда ҳар бир ўқув муассасаси қурилишини мунтазам назорат қилиб бормоқда.

Коллеж ва академик лицейларимизда тўпланган илғор тажрибалар ҳақида ҳам айтиб ўтиш жоиз. Қайсики, ўқув муассасаси юксак савияли ва ўз устида қунт билан ишлайдиган педагогик жамоага эга бўлса, ўша ерда талаб ҳам, интизом ҳам, ўқув жараёни ҳам мақтовга молик бўлади. Масалан, қатор йиллар ўзига хос тажриба тўплаган Исмоил Ортиқов, Баҳодир Муҳиддинов, Олимжон Сувонов, Фазлиддин Бўронов каби педагог кадрларимизнинг салоҳиятини бугун кўпчиликка ибрат қилиб кўрсатса арзийди.

Биргина Навоий шаҳридаги техника коллежини оладиган бўлсак, бу ўқув даргоҳи коллежлараро мусобақада доимо пешқадам. Унга етук мутахассис, кимё фанлари доктори, профессор Баҳодир Муҳиддинов раҳбарлик қилаяпти. Одил Хўжамуродов, Ибодулла Нуров, Азим Жабборов, Бахтиёр Умаров, Муҳаббат Ражабова, Феруза Идиева бош бўлган ўқув даргоҳлари наинки вилоятда, балки республикамизда ҳам ўзига хос нуфузга эга. Ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизими ўқувчилари ўртасида ўтказиб келинаётган «Ўйла, изла, топ» интеллектуал беллашувининг республика босқичида Зарафшон шаҳар тиббиёт коллежи ёшлари фахрли 1-ўринни эгаллашди. Самарқандда «Шахс ва жамият» йўналиши бўйича ўтказилган республика кўрик-танловида эса Навоий педагогика коллежи ўқувчиси А.Ҳасанова совринли ўринга сазовор бўлди. «Орзуим — менинг қанотим», «Оила, мактаб, маҳалла», «Сиз қонунни биласизми?», «Конституция — қомусим» мавзуларида коллежлараро ўтаётган кўрик-танловлар, беллашувлар ўсиб келаётган янги авлод маънавияти, камолоти учун хизмат қилаяпти, десам янглишмайман.

Бугунги кунда бошқармамиз тасарруфидаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида жами 2 минг нафарга яқин ижтимоий кўмакка муҳтож ёшлар таҳсил олаяпти. Шундан 1182 нафари кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг фарзандлари, 119 нафари етим, 109 нафари эса туғма ногиронлардир. Уларга доимий ғамхўрлик қилиш бошқармамиз, қолаверса, вилоятдаги жамоат ташкилотлари зиммасида.

Вилоят прокуратураси, вилоят Ички ишлар бошқармаси мурувват, эзгулик ишлари учун қўлларидан келган ёрдамларини аяшмаяпти. Зарафшон шаҳар қурилиш бошқармаси, Навоий кон-металлургия комбинати жамоаси кончилик касб-ҳунар коллежининг 10 нафар ёрдамга муҳтож ўқувчисига «Лазурний» оромгоҳида мароқли дам олишлари учун маблағ ажратди. «Горняк» сиҳатгоҳида соғлиқларини тиклашлари учун 62 нафар кам таъминланган оила фарзандларига бепул йўлланмалар берилди.

Бундай хайрли ишлардан «Навоийазот», «Қизилқумцемент» ОАЖлари, Навоий ГРЭСи ва бошқа ҳомий ташкилотлар ҳам четда туришмаяпти. Ёшларга ғамхўрлик, моддий ва маънавий кўмак — болажон халқимиз қон-жонига сингиб кетган. Бир сўз билан айтганда, ёш авлодга ғамхўрлик — келажакка масъуллик дегани...

**Суҳбатни**
**«Ўзбекистон овози»**
**мухбири**
**Музаффар ШАРОПОВ**
**ёзиб олди.** t

Спорт

# III БУТУНЖАҲОН ЖАНГ САНЪАТИ ЎЙИНЛАРИДА

## мамлакатимиз муай-тай усталари еттита олтин ва битта кумуш медални қўлга киритиб, мухлису мутахассисларни лол қолдирдилар



Таиланд пойтахти Бангкокда ўтказилган мазкур катта спорт байрамида дунёнинг элликдан ортиқ давлатидан келган спортчилар муай-тай, каратэ, таэквондо, айкидо, хапкидо, ушу сингари ўн уч спорт тури бўйича ўз маҳоратларини намойиш қилишди. Эътиборлиси, унда халқимизнинг миллий қадрияти саналган кураш бўйича полвонлар илк маротаба кўргазмали чиқишлари билан иштирок этдилар.

Мусобақа дастуридан жой олган муай-тай, таэквондо (ITF) бўйича Ўзбекистон терма жамоалари медаллар учун баҳс юритди. Муай-тай мезбонларнинг миллий спорт тури эканлиги боис, учрашувлар ўтказилган спорт саройи мухлислар билан тўлиб-тошди. Унда мамлакатимиз шарафини саккиз нафар муай-тай устаси муносиб ҳимоя қилди. Якунда Ўзбекистон терма жамоаси умумий ҳисобда еттита олтин ва битта кумуш медали билан тақдирланиб, биринчи ўринни эгаллади.

— Бугунги кунда юртимизда муай-тай тури жадал ривожланмоқда, — дейди Ўзбекистон муай-тай миллий федерацияси бош котиби Замирбек Қосимбеков. — Бу албатта, аввало ҳукуматимизнинг жойларда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга катта эътибор бераётганлиги билан белгиланади. Ҳозир Тошкент шаҳри ва барча вилоятларда муай-тай федерациялари фаолият кўрсатмоқда. Мамлакат чемпионати, Ўзбекистон кубоги ҳамда кўплаб турнирларнинг мунтазам ўтказиб келинаётганлиги иқтидорли ёшларни кашф этиб келаётир. Бангкок рингларида ўз вазн тоифаларида Убайдулло Каримов (45 кг.), Анвар Бойназаров (57 кг.), Фирдавс Холмуродов (60 кг.), Азизбек Назаров (63,5 кг.), Мавлонбек Қаххоров (67 кг.), Артур Қодирқулов (70 кг.), Жасур Мирзамуҳамедов (86 кг.)лар олтин, Юсуф Ибрагимов (91 кг.) кумуш медаллари билан тақдирланиб, Ўзбекистонимиз шуҳратига шуҳрат қўшдилар.

— Андижоннинг Пойтуғ шаҳриданман, — дейди мусобақа ғолиби Мавлонбек Қаҳҳоров. — Саккиз йилдан буён муай-тай билан шуғулланаман. Устозим Бахтиёржон Матбобоевдан бир умр миннатдорман. Бангкок рингларида Таиланд, Австралия, Эрон сингари давлатлар вакилларини енгиб, шоҳсупага кўтарилдим. Ғалабам шарафига Ватанимиз мадҳияси янграб, давлатимиз байроғи баланд кўтарилганида севинчдан кўзларимга ёш келди. Айниқса, Таиланд халқининг севимли спорт тури бўйича уларнинг юртида ғалаба қозонганим қалбимни янада ғурурга тўлдирди. Ниятим келгусида Осиё ва жаҳон чемпионатларида ҳам юртимиз байроғини доимо баланд тутсам, дейман.

Нуфузли мусобақада иштирок этган Ўзбекистон таэквондочилари ҳам Ватанимизга медаллар шодаси билан қайтишди. Жумладан, халқаро тоифадаги спорт устаси Дмитрий Ким (71 кг.) массоги баҳсларида олтин медални қўлга киритган бўлса, Дмитрий Лянь (64 кг.) ўз вазн тоифасида шоҳсупанинг иккинчи поғонасидан жой олди. Шокирали Қодиров, Дмитрий Лянь ҳамда Фахриддин Умаровлар тиль бўйича яккалик баҳсларида бронза медалларига сазовор бўлишди. Шунингдек, жамоавий тиль баҳсларида ҳам вакилларимиз учинчи ўринни эгалладилар.

Кеча пойтахтимиздаги Олимпия шон-шуҳрати музейида ғолиб ва совриндор муай-тайчиларимизни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

**Эркин ХОЛБОБО,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

**Суратда:** ғолиб ва совриндор муай-тайчиларимиз.

**Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган сурат.**

Хотира абадий, қадр абадий

# ОҚИЛ ОҚСОҚОЛ ЭДИ

## «...Пайвандчи, аскар, университет талабаси, ўқитувчи, мактаб директори, фуқаролар йиғини раиси, маҳалла оқсоқоли, маслаҳатчи...»



Аслам ака Турдиевнинг уйида сақланиб қолган меҳнат дафтарчасини варақлаб ўтириб, у кишининг оддийгина ҳаёт йўлига назар ташлар экансиз, худди кечагина — 2008 йилнинг январь ойи бошларида ҳам кўксида ёшлар мураббийси фахрий унвони нишонини ярқиратиб, бир тўп набираларини кўчада етаклаб юрган кезларини эслайсиз...

— Мен шу маҳалла — Қўштамғалида туғилдим, 23-мактабда ўқидим, кейин 16-автокорхонада пайвандчи бўлиб ишлаганман...

Ўтган асрнинг олтмишинчи йилларида Аслам ака Самарқанд давлат университети география факультети кечки бўлимида ўқиди, ҳарбий хизматда бўлди. Сўнгра Самарқанд туманига қарашли 53-ўрта мактабда ўқитувчилик қилди, мактаб директори бўлди. Бу вазифада 16 йил ишлади. 1995 йилнинг кузида мамлакатимиз Президенти Фармони билан Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси фахрий унвонига муяссар кўрилди. Кейин.., кейин... 2000 йилдан то 2008 йилгача Самарқанд тумани Қўштамғали маҳалласи фуқаролар йиғини раиси, раис маслаҳатчиси, оқсоқоли...

У кўпинча ҳазрат Саъдийнинг қуйидаги икки сатрини айтиб юрарди:

***Ёмон ҳам ўтар, яхши ҳам — яхши бил,***
***Сени яхши ном бирла ёд этсин эл.***

Бу ақидага у бир умр амал қилиб яшади. Олтмиш ёшида оламдан ўтди. Лекин ўзидан яхши ном, ўлмас хотира қолдирди.

— Раҳматли жуда оқил, сўзамол, бағрикенг инсон эди, — дея хотирлайди маҳалладоши, вилоят сув қурилиши бошқармаси раҳбари Мардон Қўзиев. — Эл-юрт учун кўп савобли ишларни қилган. Айниқса, маҳалламиз учун... Сизни илк калимангизданоқ тушунарди. Ҳеч қачон мен сендан номдорроқ одамман, мен сендан олдин гапиришим керак, деган хаёлга бормасди. Сўзингизни ҳам бўлмасди. Бошингизга бирор мушкул иш тушса, ёрдамга шошарди, кимнингдир оиласида яхши воқеа содир бўлса, тезда айрича меҳр билан қутлашга ошиқарди... Оқил эди, ҳалол эди, одамларга меҳрибон эди.

Ҳа, шунинг учун ҳам Аслам ака Турдиевни ҳамқишлоқлари, шогирдлари доим эҳтиром билан эслашади. У ўзидан фарзандлари, набиралари, дўст-қадрдонлари фахрланадиган яхши ном қолдирди.

**Номоз САЪДУЛЛАЕВ**

# ЯПОНИЯДАН МЕДАЛЛАР БИЛАН

**Япониянинг Осако шаҳрида велоспорт бўйича Осиё чемпионати ўтказилди. Олтин медалга сазовор бўлган ҳамюртимиз Дмитрий Меликов мутахассисларда катта таассурот қолдирди. Ўзбекистонлик спортчилар бешта кумуш ва битта бронза медалини қўлга киритишди.**

Қирқдан зиёд давлат спортчилари иштирокидаги чемпионатда ўзбекистонлик велоспортчилар тўртинчи ўрин билан турнирни якунлашди. Беллашувларнинг саккиз километр масофадан иборат шахсий пойгаларида умидли ёшларимиздан Дмитрий Меликов шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилиб, олтин медални қўлга киритди.

Жамоавий баҳсларда вакилларимиз очколар бўйича маррани учинчи бўлиб кесиб ўтишди.

Қироллик марраси номини олган баҳсларда эса Темур Муҳаммадиевга кумуш медаль насиб этди. Мурод Холмуродов эса бешинчи ўринга лойиқ топилди.

**Рустам Ҳайдаров,**
**«Туркистон-пресс»**

Ташаббус

# МАКТАБДА ... ОТАЛАР МАЖЛИСИ

## ёки Халқ таълими вазирлигининг ибратли ташаббуси ҳақида

**Бугун таълим соҳасида эришаётган ютуқларимизнинг энг асосийси, қишлоқ ва шаҳар мактаблари ўртасида йиллар давомида мавжуд бўлган тафовутга барҳам берилаётганидир. Айни пайтда мамлакатимизнинг қай бир гўшасида бўлманг, кўркам мактаблару маҳобатли спорт иншоотлари қад ростлаб, уларда фарзандларимиз камолоти йўлида барча шароитлар яратилаётганига гувоҳ бўласиз. Муҳими, ушбу масканларнинг ҳаммаси ўша ҳудуддаги ўғил-қизларни тўлиқ қамраб олинишини кўзлаб, замонавий жиҳозлар, керакли ўқув воситалари билан таъминланаяпти. Эндиги вазифа — ушбу ютуқлардан унумли фойдаланган ҳолда, аввало таълим-тарбия сифатини оширишдан иборат. Бу жараёнда эса, табиийки мактаб билан баббаравар оиланинг, оила бошлиғи бўлган оталарнинг зиммасидаги масъулият асосий роль ўйнайди.**

Афсуски, оилада фарзанднинг қандай ўқиши-ю юриш-туришига ота қолиб, оналарнинг жавобгар бўлиши, бу масалага таълим-тарбия жараёнидаги энг оғриқли нуқталардан бири сифатида қаралаётган, бот-бот урғу берилаётган бўлса-да, ушбу ҳолат шу кунларгача давом этиб келди. Қайси мактабдаги «ота-оналар» мажлисига борманг, асосан оналарни кўрасиз. Аслида халқимиз азалдан фарзанд тарбиясини энг қийин, шу билан бирга шарафли вазифа сифатида санаб, улар учун қайғуриш шарқона фазилатларимизнинг энг улуғи, келажак орзу-умидларнинг энг қутлуғи ҳисобланган. Мустабид тузум йилларида одамлар онгига сингдирилган бефарқлик ва лоқайдлик кайфияти эса ана шу қадриятимизга ҳам раҳна солди. Отанинг оиладаги, фарзандлар таълим-тарбиясидаги ўрнини ҳеч нима билан тўлдириб, таққослаб бўлмаслиги аён бўлса-да, айнан ёш авлод билим олиб, дунёқараши шаклланадиган муҳит — мактабларда оталарнинг ролини ошириш кўпинча четда қолди.

Ана шу бўшлиқни тўлдириш, қолаверса, ўғил болаларда жасурлигу мардлик, қатъият ва ғурур туйғуларини тарбиялашда оталарнинг ўрни беқиёс эканлигини эътиборга олган ҳолда Халқ таълими вазирлиги республика умумтаълим мактабларида «Оталар мажлиси»ни ўтказиш ташаббуси билан чиқди. Ушбу ташаббусдан қанот олиб ҳамда таълим муассасаларининг оталар билан ҳамкорлигини янада кучайтириш мақсадида куни кеча барча мактабларда «Оталар мажлиси» ташкил этилди.

Ҳа, шу куни оталар тўп-тўп бўлиб мактабларга келишди. Биз ҳам ушбу тадбирнинг қандай ўтиши, уларда айтиладиган фикр-мулоҳазалар билан яқиндан танишиш мақсадида пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги 28-ўрта мактабда бўлдик.

Шуни алоҳида айтиш жоизки, юқоридаги ташаббус оталар томонидан юксак кайфиятда қарши олинганини йиғилишга келганларнинг кўплигидан, қолаверса, мактабда байрамона руҳ ҳукмронлигидан ҳам билиш мумкин эди.

— Ҳар бир отани фарзандининг мактабдаги ўқиши, юриш-туриши, одоб-ахлоқи қизиқтириши аниқ, — дейди **мактаб директори Дилдора ОРИПОВА.** — Биз шуни ҳисобга олиб, ўқувчиларимизга билим бериш билан бирга уларда бирор касбга бўлган қизиқишни тарбиялашга ҳаракат қиламиз. Ушбу тадбирга ҳам шундай тайёргарлик кўрдикки, ҳар бир ота ўз фарзанди қандай муҳитда улғаяётганини дилдан ҳис этсин. Яна мактабга кираверишда синфлар рейтингини ҳам илиб қўйдик. Уларда мавжуд 59 та синфимизнинг билимлар рейтинги, ўқувчиларнинг ўзлаштириши, мактабда таълим-тарбия жараёнини яхшилаш йўлидаги ишлар — барча-барчаси кўрсатилди.



Биз ҳам мажлисга келганларни кузатиб шунга амин бўлдикки, кўпчилик оталар фарзандининг мактабдаги ўқишига бефарқ эмас экан. Уларни кўпроқ ўқувчиларнинг фанларни ўзлаштириши билан боғлиқ маълумотлар қизиқтирди. Яна бир жиҳати, баъзи бир оталар мактабга илк маротаба келиб туришганини ҳам очиқ-ойдин айтишди. Лекин энг қувонарлиси, йиғилишда нафақат оталар, балки оқсоқоллар, маҳалла фаоллари, ҳатто бир оиладан бир неча вакиллар иштирок этгани бўлди.

Тадбирда мактаб директори сўз олиб, юртимизда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури доирасида амалга оширилаётган хайрли ишлар, жумладан, ўтган йили Президентимиз ташаббуси билан қуриб, фойдаланишга топширилган мазкур мактабнинг бир йил ичида эришган муваффақиятларига тўхталди. Шундан сўнг ўқувчиларнинг ўзлаштириши, жамоат ишларидаги иштироки, аҳлоқ-одоби ҳақидаги маъруза тингланди. Мактабдаги ўқув-тарбия жараёни, тўгарак машғулотларининг фаолияти, спорт мусобақаларидаги ёш спортчиларнинг зафарлари ҳақидаги ушбу чиқиш йиғилиш иштирокчилари томонидан илиқ кутиб олинди. Айниқса, фарзандининг ютуғини эшитганда, кўпчилик оталар ўз қувончларини яширолмади.

**Шукрулло РЎЗИЕВ, «Истиқлол» маҳалласидан:**

— Халқимизнинг «Устоз отангдек улуғ» деган ҳикматли ибораси бежиз айтилмаганига ушбу тадбирда қатнашиб, яна бир бор иқрор бўлдим. Мажлисга фақат оталарни таклиф этишдан мақсад — фарзандларимиз таълим-тарбиясини янада кучайтириш, бунда биз оталарнинг масъулиятини оширишдан иборат эди. Менимча, бунга эришилди ҳам. Икки ўғлим шу мактабда ўқийди. Фарзандларим таълим-тарбиясига шунчалик қайғураётган ўқитувчиларга минг раҳмат, дейман. Энди ўқитувчи-мураббийлар билан оталар ҳамкорлиги янада мустаҳкамланади.

**Малика АБДУЛЛАЕВА, ўқитувчи:**

— Мен 28 йилдан буён мактабда дарс бераман. Очиғи, шу ёшга кириб, минглаб ўқувчиларга таълим-тарбия бериб, шунчалик кўп оталарнинг мажлисда қатнашишига энди гувоҳ бўлиб турибман. Ўз тажрибамга суяниб айтаманки, боланинг тарбиясида отанинг роли беқиёс. Чунки фарзанднинг дунёга келишидан бошлаб, уни комил инсон сифатида тарбиялашда оталарнинг масъулияти оналарникидан кўп бўлса кўпки, ҳеч ҳам кам эмас.



**Матназар ЭЛМУРОДОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

***Суратларда:*** *Собир Раҳимов туманидаги 28-ўрта мактабда ўтказилган «Оталар мажлиси»дан лавҳалар.*

# ТОШКЕНТДА ЕВРОПА КИНОСИ КУНЛАРИ

**Пойтахтимизда 25 апрелгача Европа кинолари фестивали бўлиб ўтмоқда. Унда ўнга яқин Европа мамлакатларининг энг сара, жаҳон киносида юқори баҳоланган кинофильмлари намойиш этилмоқда.**

Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ташаббуси билан ташкил этилган бу фестиваль Тошкент шаҳрида биринчи бор ўтказилмоқда. Ундаги кинофильмларнинг эътиборга молик томони шундаки, барча картиналар реаллик устига қурилган. Барчасида инсон ва жамият ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг барча жиҳатлари кенг қамраб олинишига эътибор қаратилган.

Фестиваль чоғида Германия, Франция, Болгария, Руминия, Италия, Польша ва Буюк Британия каби давлатларнинг энг сара 15 та фильми намойиш этилмоқда.

**«Туркистон-пресс»**

Барча турдаги қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ УЙ-ЖОЙДАН ФОЙДАЛАНИШ БОШҚАРМАСИ

қуйидаги объектлар бўйича танлов савдоси ўтказилишини

## ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

| Т.р. | Объект номи | Қурилиш муддати |
|---|---|---|
| 1 | «Жиззах вилояти, Жиззах шаҳридаги 39-ҳ/ш, 51683-сонли ҳарбий қисм казармасини капитал таъмирлаш | 90 кун |
| 2 | «Жиззах вилояти, Жиззах шаҳридаги 39-ҳ/ш, 51683-сонли ҳарбий қисм ошхонасини капитал таъмирлаш» | 100 кун |

***Буюртмачи манзили:*** **Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 1-уй.**
***Телефон:*** **(8-371) 169-05-39.**

*Қурилиш ишларини молиялаштириш давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.*

Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: мудофаа объектларни қуриш учун лицензияга, танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдолари ташкилотчиси — Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин.

Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, 426-хона. Тел/факс: 226-14-66.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) танлов савдолари ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни танлов савдолари ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO`RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti — 233-10-13
Madaniyat va sport — 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot — 233-12-56
Mas`ul kotib — 233-72-83, 236-55-17
Reklama va e`lonlar — 233-38-55, 233-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi:
Erkin XOLBOBOYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar:
Ikromjon ISMOILOV
Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

*Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.*
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 349
*12869 nusxada bosildi*
*t — Tijorat materiallari*
O`zA yakuni — 22.47
Topshirilgan vaqti — 01.47
1 2 3 4 5 6 7
Sotuvda erkin narxda